

## ЁШЛАР ҲАЁТИНИ ҲИМОЯЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

**НУРУЛЛАЕВ А.А.,**

*Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Миллий ифтихор ва ҳарбий ватанпарварлик кафедраси катта ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

**НУРУЛЛАЕВ А.А.,**

*Старший преподаватель кафедры национальной гордости и военного патриотизма Академии Вооружённых Сил Республики Узбекистан, доктор философских наук и психологии (PhD)*

**NURULLAYEV A.A.,**

*Senior Lecturer of the Department of National Pride and Military Patriotism of the Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy and Psychology (PhD)*

**Annotatsiya.** Мақолада ўсиб келаётган ёшларни деструктив тасирлардан ҳимоялашнинг назарий-психологикнинг асослари, ёшлар онгига таъсир этувчи деструктив тасирлардан ҳимоялаш, унга қарши тура оладиган психологик ҳимояни шакллантириш масалалари хусусида фикр мулохазалар юртилган.

**Калим сўзлар:** “Мен” ва “Мен эмас”, онг, психик ҳолат, хулқ-атвор, ёшлар сиёсати, ёшлар, “Ахборот хуружи”, таҳдид, ҳимоя механизми, ижтимоий психология, ижтимоий беқарорлик, мафкуравий компетенция, деструктив тасир ва ижтимоий онг.

Инсон шахсининг ижтимоийлашувида турли хил ғоявий ва мафкуравий омилларнинг ўрни каттадир. Инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшай олмайди. Шахс ва унинг эътиқоди масаласи муҳим муаммолардан бири бўлиб, бу омил унинг ижтимоийлашувида мохиятан бевосита боғлиқ деб қаралади. Бу масаланинг муҳимлиги, ҳар қандай инсоннинг камол топишида, шахс сифатида шаклланиши, жамиятнинг олдида ўз ўрнига эга бўлиши, унинг эзгу ғоя ва иймон эътиқоднинг ўрни муҳим аҳамиятга эгаллигидадир. Агар биз ёшларимизни болалигидан бошлаб соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашини шакллантира олсак, улар маънавияти бой мустақил фикрли ва олийжаноб шахслар бўлиб камолга етишади. Шу маънода шахс эътиқоди ундаги барқарор, теран фикр ва тасаввурлар, билимлар мажмуини, мафкуравий дунёқараш ҳамда миллий ғоялар аслида ана шундай эътиқодлар асосида шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024-йил 24-октабр “БРИКС плюс” форматидаги саммитда сўзлаган нутқида “Радикаллашув ва



экстремистик ғояларнинг, аввало, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур!”деб таъкидлаганлар. [1].

Шу боис, ахборот билан ишлашни фақат унга хос бўлган, аниқроғи, ижтимоий тажрибаси давомида ўзлаштирилган технологиясини қўллаб, ахборотни англаган ёки турли аниқликларни белгилаш тарзида (тизимлаштириб) билим шаклига келтиради. Бу эса ўз навбатида инсонда хулқнинг психологик регуляциясини амалга оширади [2]. Турли фазаларда мазкур жараён автоматизациялашиб, индивидуал когнитив услубга айланади. Когнитив услуб, индивидуал онг ва онгсизлик динамикасида ҳам ифодаланиб, “Мен” ва “Мен эмас” тарзидаги муносабатда, ўзига баҳо бериш, ўзликни англашида намоён бўлади. Шу боис, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўлида онгни, аниқроғи, ёшларда ижтимоий онгни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этади. Онг, субъектнинг интеллектуал фаолияти тарзида намоён бўлиб, янги таассуротларни инъикос(ифода) этиш билан бирга, унинг тажрибасини ифода этиб, жорий вазиятни ҳиссий баҳолаб, ташқи дунёни акс эттиради. Онг, дунёнинг субъектив тимсоли, субъектнинг мавжуд фаолиятининг мазмуни, предметнинг андозаси ҳисобланиб, инсон “бошида” борлиқ предмети ҳисобланади. Бугунги кунга қадар онг масаласи турли тадқиқотларда ўрганилган бўлса-да, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш контекстида етарлича ўрганилмаган [3].

Таҳдидлар сонининг ортиб бориши, субъектдан улар ҳақида хабардор бўлишни тақозо этади. Ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳдидларнинг қуйидагича классификациясини амалга ошириш мумкин:

Психик ҳолати (рефлексия) ҳақида фикрлаш бўйича:

субъект томонидан мос равишда ҳимоя қилувчи (жавоб қайтарилувчи) таҳдид;

субъект томонидан мос бўлмаган равишда ҳимоя қилувчи (жавоб қайтарилувчи) таҳдид.

Бу эса ўз навбатида, мафкуравий иммунитетни детерминацияси бўйича (яъни, иммунитетни таъминловчи сабаблари), вақт оралиғи бўйича (доимий тарзда ёки вазият вужудга келганда), тузилишининг мураккаблиги бўйича (алоҳида тарзда ёки мураккаб мажмуа тарзида), адекватлиги бўйича (шахсда ёки социумда) идрок этишни тақозо этади. Илмий адабиётларни ижтимоий-психологик таҳлили асосида идрок қилиш даражаси бўйича, таҳдидларни [4]:

субъект томонидан фаол (актив) идрок этувчи таҳдид;

субъект томонидан нейтрал (холис) идрок этувчи таҳдид;

субъект томонидан суст (пассив) идрок этувчи таҳдидларга ажратиш мумкин.

Фикримизча, таҳдидларни амал қилишидан хабардорлик, унга нисбатан муносабат билдиришда, аниқроғи, хулқ-атвор моделини танлаш учун шарт ҳисобланади, чунки, мафкуравий иммунитет қуйидаги ижтимоий-психологик жиҳатлари билан ажралиб туради:

мафкуравий иммунитетнинг ижтимоий кутишлар ва меъёрларга мос тушиши лозим;

мафкуравий иммунитетга амал қилиш - тафаккур ва тасаввур жараёнини натижаси ҳисобланади;

мафкуравий иммунитет вужудга келган таҳдиднинг мазмунига қарши жавоб тариқасида ифодаланади;

мафкуравий иммунитетга англаган тарзда амал қилиниб, рефлексия сатҳида назорат қилинади;

мафкуравий иммунитетнинг ташқи ижтимоий-психологик адаптацияси муваффақиятли кечишини таъминлайди;

мафкуравий иммунитет индивиднинг ҳаётий кадриятларига оид бўлган ҳукмидан қониқишни таъминлайди;



мафкуравий иммунитет шахслараро муносабаларда шахсни ижобий ривожланишини ва ижтимоийлашувини таъминлайди.

Мафкуравий иммунитетнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, ўз навбатида, ёшларда таҳдидлар ҳақида хабардор бўлишини тақозо этади.

Бугунги кунда таҳдидларнинг, инсонга салбий таъсирини зарарсизлантириш даражаси бўйича:

- субъект хавф тўғрисида хабардор эмас;
- субъект хавф тўғрисида шунчаки хабардор;
- субъект хавф тўғрисида яхши хабардор кабиларга ажратиш мумкин.

Мазкур ижтимоий-психологик тасниф ўз навбатида, мафкуравий иммунитетнинг таркибий компонентларини шакллантиришда ҳамда психологик маданиятни шакллантириш бўйича маърифий тадбирларни ёш, жинс, маданий ва ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Мафкуравий компетенцияга эгаллиги бўйича, уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- субъект таҳдидни бартараф этиш компетенциясига эга;
- субъект таҳдидни қисман бартараф этиш компетенциясига эга;
- субъект таҳдидни бартараф этиш компетенциясига эга эмас.

Бу тасниф, ёшларда мафкуравий компетенцияни шакллантириш масаласини долзарблашганлигини кўрсатиб, ижтимоий психология фани доирасида уни ўрганишни тақозо этади. Ижтимоий-психологик ўрганиш эса, ёшларни ички ва ташқи таҳдидларга нисбатан муносабат билдира олишини таъминлайди. Аниқроғи, уларни билим билан қуроллантиради. Чунки таҳдидларга муносабат билдиришга тайёргарлик даражаси бўйича:

субъект таҳдидга нисбатан муносабат билдиришга яхши, қисман ёки тайёрланмаган тарзида ижтимоий-психологик жиҳатдан баҳоланиши мумкин.

Таҳдидларга нисбатан муносабат билдириш учун, ёшлар таҳдид ва таҳдиднинг таъсирига тушиш оқибатида вужудга келадиган ижтимоий-психологик ҳолат ва вазият ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим. Шу сабабли, таҳдидларнинг таъсирига тушгандан сўнг юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни субъект томонидан тушуниш даражаси бўйича таснифлаш лозим. Мазкур тасниф, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларни жорий этиш жараёнини бошқариш учун хизмат қилиши мумкин:

субъект томонидан тўлиқ ва қисман ёки тушунилмаган таҳдидлар.

Булардан хабардор бўлиш, муносабат тарзини, реакция билдириш намунасини танлаш имконини беради. Гарчи, турли тадқиқотларда ҳимоя бошқа бир психологик тузилмаларнинг фаолияти доирасида ўрганиб келинаётган бўлса-да, масалага мафкуравий иммунитетни шакллантириш жиҳатидан ёндашиш педагогик-психологик жиҳатдан маданий аҳамият касб этади. Бу хусусда М.Қуронов ва Ҳ.Жабборовлар "...аҳолининг турли қатлам вакиллари ички ва ташқи таҳдид ва унинг оқибатларидан беҳабарлиги, уларнинг мазкур таҳдидларга чалинишини тезлаштиради" [5] – деб, фикрларини билдирганлар. Бу эса, ёшларимизда таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида ижтимоий тасаввурни шакллантириш мавзусини долзарблаштиради.

Ижтимоий-психологик таҳдидларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- реал (ҳақиқий) таҳдид;
- формал (юзаки) таҳдид;
- абстракт (мавҳум) таҳдид.

Субъектга таҳдид солаётган таҳдидларнинг ўрганилиши бўйича:



аниқланган (маълум) таҳдид;  
аниқланмаган (ўрганилмаган) таҳдид.

Шу боис ёшлар деструктив тасирларга муносабат билдиришда, муносабатнинг қатъийлигини, аниқроғи хулосавий қисмини таъминлайди.

Деструктив тасирларга жавоб қайтариш учун, ёшларимиз мафкуравий компетенцияларга эга бўлишлари лозим. Мафкуравий компетенция эса, ғоя ва мафкураларга оид назариялар, уларнинг асосий категорияларини функционал роли ҳақида билим, ҳаёт ва фаолият давомида уларни қўллай олиш кўникмасига эга бўлиш, жамият ҳаётида ифодаланадиган ғоя ва мафкураларни бунёдкор ва вайронкорлиги бўйича ажрата билиш малакасига эга бўлишда намоён бўлади.

Шу тариқа, мафкуравий иммунитет, ёшларнинг барқарорлигини таъминловчи ижтимоий-психологик тизим ҳисобланиб, ташқи ва ички низоларнинг таъсиридан ёшлар онгини ёт, ёқимсиз таассурот, беқарорлик каби салбий кўрсаткичлардан ҳимоя қилиш учун зарурдир. Бу ўз навбатида, ҳаракат қилиши, намоён бўлиши жиҳатидан барча таҳдидлар таснифлашни тақозо этадики, ёшларда мафкуравий компетенцияни шакллантириш учун шарт ҳисобланади. Бунда тузилмавий ташкил этилиши бўйича:

оддий (бир таркибли) таҳдид;  
мураккаб (кўп таркибли) таҳдид.

Таъкидлаш лозимки, ёшларга, психологик таъсир кўрсатиш учун амал қиладиган таҳдидлар мураккаб (кўп таркибли) ҳисобланиб, турли соҳаларда таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради. Улар ҳақида маълумотга эга бўлиш эса, уларга жавоб қайтариш суръатини тезлигини таъминлайди[6].

Мафкуравий иммунитет, ахборот-психологик таҳдид, ғоявий ва мафкуравий хавфлардан алоҳида шахс, гуруҳ, омма ва аҳолининг психологиясига қаратилган салбий таъсирларнинг олдини олиш ёки уларни бартараф этиш тўғрисидаги қарашлар тизимини ўз ичига олади.

Инсонларни ҳавотир ва ташвишга солаётган “Ахборот хуружи” дейилганида муаян куч (давлат, сиёсий марказлар, корпорация)ларнинг ўз сиёсий мақсад ва муддаоларини амалга ошириш йўлида энг аввало мафкуравий омиллар, шунингдек, моддий ва маънавий таъсир ўтказиш орқали кишилар онги ва қалбига ёт ғояларни сингдиришни, уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишни, турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга оширишни кўзловчи хатти-ҳаракатлар мажмуаси тушунилади. Давлат, жамият мудрофааси ва хавфсизлигини таъминлашни ўз зиммасига олганлиги нуктаи назаридан қараганда, ахборотни ҳимоялаш деганда ахборот маконини турли хавф ва таҳдидларнинг таъсиридан ҳимоясини амалга оширишни назарда тутиш лозим”- деб таъкидлайди фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Самаров [7].

Мамлакатимиз ва хорижнинг айрим олимлари, бугунги кунда таҳдидларга ғоявий иммунитет, маънавий иммунитетни шакллантириш нуктаи назари асосида муносабат билдириб, куйидагиларга алоҳида эътибор қаратганлар:

инсон фаолиятининг руҳий мазмуни [8];

жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари [9];

ахборот воситасида етказиладиган хавф ва таҳдидлардан ҳимоя қобиғи [10] ва бошқалар тушунилади.

Илмий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ОАВ орқали таъсир кўрсатиш ўз илмий концепциясига эга бўлиб, бунда “Шахс ва ижтимоий муносабатлар назарияси”, “Таҳдидларни аниқлаш ва жавоб қайтариш” каби таълимотларга таянилади. Психологик таъсир



кўрсатишни амалга оширишда минтақавий, этномаданий, диний, сиёсий ва иқтисодий каби омиллардан фойдаланилишини таъкидлаш мумкин. Психологик таъсир кўрсатиш конструктив ва деструктив жиҳатларга эга. Унинг конструктив жиҳати кўпроқ амалий аҳамият касб этиб, бевосита мамлакат мудофааси ва хавфсизлигини амалга ошириш самарадорлигини таъминлашга қаратилган бўлади.

Юртилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб қўйидагича хулоса қилиш мумкин. Ёшларда фожеали характер қуйидаги оқибатларни олиб келиши мумкин:

ижтимоий алоқа доирасининг торайишига, қадриятлар мазмунининг ўзгаришига, фақат бугунги кун учун яшаб, истиқболни ўйламасликка, “Мен” сиймосининг деформациялашувига, психологик тушқунликнинг юзага келишига (ички беқарорлик, ички зиддият, ёлғизлик ҳисси, ижтимоий кўрқув, шахсий характернинг акцентуациялашуви) олиб келади.

Мафкуравий иммунитет эса, кўрсатиб ўтилган салбий ижтимоий-психологик ҳолатларга тушмаслик учун ҳимоя қобиғи тарзида амал қилиб, шу билан бирга қуйидаги амалларни бажаради:

ёшларнинг онг сатҳини салбий ва изтироб чекувчи кечинмалардан “чегаралайди”, уларни ички дунёси билан жорий психик ҳолати орасидаги муносабатни мувозанатга келтириш;

ёшларни эмоционал, ахборот зўриқишларидан холи этиш мақсадида, психологик регуляцияни таъминлаб, уларга таҳдид солувчи хабар ва ахборотларни идрок этмаслигини, уларнинг таъсирига тушмасликни таъминлаш муҳим ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Ёшлар – Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси” Ёшлар форумида сўзлаган нутқи /Ш.М. Мирзиёев// Ҳалқ сузи.- 2020. -26 декабрь. – Б.1.
2. Киршбаум Э. И., Еремеева А.И. Психологическая защита: дарслик / Э.И. Киршбаум А.И. Еремеева. Изд.2-е - М.: Смысл, 2000. - 181 с.
3. Яновский М.И. Внимание как критерий оценки состояния сознания/ М.И. Яновский //Вопросы психологии. 2006. № 6. - С.91-97.
4. Каменская В.Г. Психологическая защита и мотивация в структуре конфликта/ В.Г. Каменская. – СПб.: Детство-пресс, 1999. – 147 с.
5. Қуронов М., Жабборов Х. Аҳолида ички ва ташқи таҳдидларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг таъсирчан педагогик-психологик тамойиллари / М. Қуронов, Х. Жабборов // Психология. –Бухоро. 2017. - №4 (13).- Б 13- 19.
6. Баева И. А. Психология безопасности как основа гуманитарных технологий в социальном взаимодействии: Научно-методические материалы /И.А. Баева. – СПб.: ООО «Книжный Дом», 2008. – 288 с.
7. Самаров Р.С. Ахборот хавсизлик психологияси (ўқув қўлланма) / Р.С. Самаров. – Т.: Университет, 2018. – Б. 148.
8. Жалолов А. Ҳаёт фалсафаси – фалсафа ҳаёти / А. Жалолов // Мулоқот. - 1997. - № 5.- Б.15.
9. Михайлов А.Н., Ротенберг В.С. Особенности психологической защиты в норме и при соматических заболеваниях// Вопросы психологии. - 1990. - №5. - С.106-111.
10. Самаров Р.С., Хавфсизликнинг методологик асослари (монография)/ Р.С. Самаров. – Т.: Akademiya. 2010. – Б. 256.
11. Dumarov, M. K. (2019). PSYCHOLOGICAL PRINCIPLES OF FORMING ADEQUATE RELATIONSHIP OF ADOLESCENT TO THE SOCIAL REALITY. *Theoretical & Applied Science*, (11), 289-291.



12. Юлдашев, Ж. (2021, October). Аксиологический Подход В Обучении Истории: Содержательный Компонент. In " *ONLINE-CONFERENCES*" *PLATFORM* (pp. 185-187).
13. Botirovich, I. B. (2023). ABOUT THE LOCATION OF THE TAJIK POPULATION IN THE KOKAND KHANATE.
14. Abdullayev, A. N. (2024). INFLUENCE OF ISLAMIC VALUES ON SOCIAL RELATIONS IN NEW UZBEKISTAN. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 4(02), 80-87.
15. Tolibjonovich, M. T., & Rahimjon o'g'li, G. O. (2021). PREREQUISITES FOR THE DEVELOPMENT OF A LEASING MECHANISM IN PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP. *International Engineering SCIENTIFIC PROGRESS*, 3, 2181-1601.

